



Замонамизнинг машхур кориларидан бири, кироат устози, Куръони Каримга хизмат килишда катта жонбозлик кўрсатиб келаётган олим Абдуллох ибн Али ибн Абдуллох Хайил Басфар хафизахуллох 1381 хижрий 9 Зулкаъда ойида Саудия мамлакатининг Жидда шаҳрида тавуллуд топган.

Абдуллох Басфар Жиддадаги «Фалох» мадрасасидаги «Куръон ёдлатиш» халкаларидан бирида Куръони Каримни ёд олган. 1406 х.да Малик Абдулазиз университетиде Исломий билимлар бўйича бакалавор шаходатномасига эга бўлган. 1407 х.да шайх Айман Рушдий Сувайддан Хафснинг Осимдан килган ривоятдан Шотибий тариқаси асосида ижоза олган. 1412 х.да Маккаи муқаррамадаги Умумул-куро университетиде «Шариат» куллиясининг «Фикх ва усул» кефедрасиде «Ибн Рушднинг «Бидоятул-мухтаид ва ниҳотул-муқтасид» китобидаги иттифокотларининг биринчи қисмини тахрир қилиш» мавзуйда илмий иш қилиб, магистерлик даражасига эга бўлган. 1419 х.да ўша университетнинг мазкур кефедрасиде мутахассислик йўналиши бўйича «Рофиъийнинг «Китобул-азиз шархул-важиз» китобининг олтинчи қисмини тахкик қилиш ва ўрганиш» мавзуйдаги иши билан докторлик ёқлаган.

Абдуллох Басфар бир қанча етук олимларнинг таълим-тарбиясини олган. У қуйидаги устозлардан Куръон ўрганган:

- Шайх Фазлуллох Бухорий;
- Шайх доктор Аднон Сарминий;
- Шайх Муҳаммад Шамсон;
- Шайх доктор Айман Рушдий Сувайд.

Шунингдек, у бир қатор олимлардан бошқа шаръий билимлар бўйича тахсил олган.

Жумладан:

- Шайх Абдуллох ибн Бех;
- Доктор Комил Салома;
- Доктор Ножий Ажам;
- Шайх Хасан Айюб;
- Шайх Абдулмунъим Таълиб;
- Шайх Абдуллатиф Саббоъ;
- Муҳаммад Солих Хусарий;
- Абдулғаффор Абдуқраҳим ва бошқалар.

Абдуллох Басфар айни вақтда кўплаб толиби илмларга устозлик қилади. Мансур Шаъбий масжидида ўнлаб хофизии Куръонларни етиштирди. Малик Абдулазиз университетиде ҳам қатор олмиларни тайёрлаб, дину миллат хизматиға қамарбаста қилган. У хозир ҳам ушбу фаолиятда муваққиятли иш олиб бормоқда.

Шайх Абдуллох Басфар куйидаги вазифаларда хизмат кўрсатади:

— Ислом Робитаси қошидаги халқаро Куръони Каримни ёдлатиш хайъатининг бош қотиби;

— Жиддадаги Мансур Шаъбий жомеъсида имом-хатиб.

— Малик Абдулазиз университетида Исломий билимлар бўлими илмий ходими (доцент);

— Жиддадаги халқаро Куръони Каримни ёдлатиш хаъати қошидаги «Оилавий меҳрибонлик мадрасалари» мудири;

— www.albasaer.net интернет сайтининг раҳбари;

— Халқаро Куръони Каримни ёдлатиш хаъати қошидаги «Маҳаллий ҳожилар саломатлик кампанияси» раҳбари;

— Хасан Аббос Шарабталиий хайрия жамғармаси бош маслаҳатчиси;

— Мансур Шаъбий хайрия жамғармаси бошқарув кенгаши раиси ўринбосари.

Устоз Абдуллох Басфар бугунги кунда бир қатор турли ташкилот ва жамиятларнинг аъзоси:

— Саудиядаги «Куръони Карим илмлари» илмий жамияти аъзоси;

— «Куръони Карим ва Суннатдаги илмий мўъжизалар хайъати» бошқарув кенгаши аъзоси;

— Жиддадаги «Эзгулик уюшмаси» оммавий жамияти аъзоси;

— Риёздаги «Етим болалар» оммавий жамияти аъзоси;

— Африкадаги «Мусхаф ховлиси омонатдрлари» кенгаши аъзоси;

— Ислом олами Робитасининг Исломий ташкилотларни тузиш хайъатининг ижроий кенгаши аъзоси;

— Ислом олами Робитасидаги «Мусулмон олим ва муфаккирлар халқаро учрашуви» аъзоси;

— Халқаро Раҳмат Пайгамбари соллаллоху алайҳи васалламни таништириш маркази таъсис кенгаши аъзоси;

Абдуллох Басфарнинг илмий-ижодий фаолияти:

Абдуллох Басфарнинг Куръони Каримга қилган қатта хизматларидан бири Куръони Каримнинг тўлиқ хатмининг овоз ёзувидир. Мухтарам устоз уни Хафс ибн Сулаймоннинг имом Осимдан қилган ривоятда ўқиган. Бу хатм 1419х.да Мадинаи мунавварадаги Малик Фаҳд номидаги Мусхафи шарифни чоп этиш уюшмаси томонидан нашр этилган ва Жидда радиосидан эфирга узатилган. Бу муборақ хатм кўпчилик қироат мутахассислари томонидан эътироф этилган ва бутун Ислом оламида кенг тарқалган.

Шайх Басфар жаноблари маҳаллий ва фазоий телеканаллар орқали мўмин-мусулмонларга кўплаб кўрсатувларни тақдим этган. Жумладан, «Ижтимоий суратлар», «Покиза сийрат», «Жумъа суҳбати», «Ифторлик суҳбати», «Куръоний ўйлар». Булардан ташқари бир қатор кўрсатувларда чиқишлар қилган ва қилиб келмоқда.

Шайх Абдуллох Басфар турли ҳажмдаги қитоб ва рисоалар муаллифи ҳамдир:

— «Фотиха сураси ҳақида ўйлар». Бу қитоб асосида маҳусус кўрсатув ҳам тақдим этган.

— «Ўйқотилган хушў».

— «Нафсни қоклашдаги оний қакнашлар»

— «Ишбошиларга итоат этиш».

— «Сиддик сийратидан парчалар».

- «Бакара сурасининг аввалги оятлари хакида ўйлар».
- «Охират куни: мушоҳадалар, ўйлар».
- «Осон тажвид».
- «Рофиъий – арабу ажам олими».
- «Террор ходислари хакида минбар хутбалари».
- «Юсуф сурасидаги ибрат ва далолатлар».
- «Хаж мавсими атрофидаги сўзлар».
- «Рамазон: фазилатлар ва ходисалар».
- «Киёматнинг каттаю кичик аломатлари сайланмаси».
- «Оятул-Курсий борасида ўйлар».
- «Куръони Каримни чуқур тафаккур қилиш атрофидаги ёғдулар».
- «Хидоятчи Раҳмат соллаллоху алайхи васаллам: у Зотни севиш ва у Зотга нусрат бериш».
- «Андалусия масжиди хутбаси».
- «Шуъайбий масжиди хутбаси».

Шайх Абдуллох Басфар Ислом Робитаси қошидаги халқаро Куръони Каримни ёдлатиш хайъатининг бош қотиби вазифаси юзасидан Ўрта Осиёдаги кўплаб мамлакатларга ташриф буюрган. Жумладан, Ўзбекистонга ҳам мустақилликнинг илк йилларида келиб, бу ердаги қорилар фаолияти билан танишган. Бугунги кунда кўшни мамлакатларда Абдуллох Басфарнинг ташаббуси билан Куръон мактаблари ва курслари қизгин фаолият олиб бормоқда. Мазкур ташкилотнинг ташаббуси билан ҳар йили дунё бўйлаб юзлаб мусулмон фарзандлари Куръони Каримнинг хофиси бўлиш шарафига муваффақ бўлмоқдалар.

Аллох таолодан барча азиз уламоларни, Куръон ходимларини, хусусан, шайх Адуллох Басфар жанобларини Ўз хифзу химоясида асраб, Куръони Карим йўлида, Ислом йўлида олиб бораётган хизматларини бардавом ва баракали этишини сўраймиз. Амин!

www.albasaer.net интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.
Хасанхон Яхё Абдулмажид